


►4 Мавзу ; Ер муносабатларини давлат
томунидан тартибга солишнинг хукукий
механизми

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



- Республикаизда ҳозирги кунда ер ресурсларидан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Мухтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунларни амалга ошириш ҳозирги даврнинг энг муҳим талаблари даражасига кўтарилиди. Уларни амалиётга тадбиқ этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарор ва фармойишлари, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди.
- Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги 598-I-сон Қонуни билан тасдиқланди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги 599-I-сон Қарорига мувофиқ 1998 йил 1 июлдан амалга киритилди.
- Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шаклларини teng ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат.

ЕР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЛАР ВА НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Кодекс ва қонунлар

- Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастри тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни;

